

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус
Таълим Вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети**

ТАРИХ факультети

РЕФЕРАТ

Мавзу: Энеолит даври кулолчилик маҳсулотлари.

**Бажарди: Очилов А
Текширди: Бобобеков.А**

Тошкент - 2013

Мавзу: Энеолит даври кулолчилик маҳсулотлари.

Режа

1. Энеолит даври кулолчилигининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Месопотамия кулолчилиги.
3. Эрон кулолчилиги.

Хулоса

1. Энеолит даври кулолчилигининг ўзига хос хусусиятлари.

Энеолит - латин ва юнонча сўзларидан ясалган бўлиб, «алнеус» - латинча мис, «литос» - юнонча тош деган маънони англатади. Энеолит атамаси билан бирга “Халколит” (“халкос” юнонча мис демак) ҳам ишлатилади. Энеолит неолит билан бир вақтга тўғри келади. Аммо улар орасида хронологик жihatдан катта фарк бўлмасада, маданий даражалари жihatидан бир-биридан фаркланади. Масалан, Европа ва Осиёнинг кўп ҳудудларида милоддан аввалги IV-III минг йилликда неолит кабилалари яшаган, улар бу вақтда металдан хабардор бўлмаган, овчилик ва баликчилик билан шуғулланган. Европа ва Осиёнинг бошқа ўлкаларида айнан шу пайтда металдан бир оз хабардор энеолит кабилалари яшаган ва уларнинг хўжаликлари одатда дехкончилик ва чорвачиликка асосланган. Милоддан аввалги IV минг йилликда (мис) металнинг қимматли хусусиятлари билиб олинган. Натижада дастлабки металлургияга асос солинган.

Энеолит даври ёдгорликларида рангли сопол буюмлар кўплаб топилган. Хитойдан Дунайгача (Руминия) «сопол маконлари» сифатида кенг тарқалган маконлар характерли бўлиб, шу хусусиятга эга бўлган маконларда ижтимоий тараккиётнинг бир хил босқичи кўзга ташланади. Бир-бирига жуда кам ўхшайдиган ижтимоий-иқтисодий шароит ҳамма эрда амалий санъатнинг бир-бирига ўхшаш шаклларины такоза этган. Аммо сопол буюмлар бир-бирига ўхшаса ҳам айнан бир хил эмас.

Энеолит маконлари биринчи бўлиб Икки дарё оралиғи ва Мисрда вужудга келган. Археологлар энеолит даврига хос бўлган 5 умумий бирлаштирувчи аломатни ажратиб кўрсатадилар:

1. Хўжаликнинг ҳамма туридан кўра мотиға билан килинадиган дехкончиликнинг устунлиги;
2. Чакмоқтош куроллар кўп бўлиши билан бирға мис куролларининг пайдо бўлиши.
3. Катта-катта ибтидоий жамоа бирлашмаларининг катта-катта пахса уйларининг мавжудлиги;

4. Хайвонларнинг лойдан ясалган ва оналик уругъига хос бўлган хайкалчаларнинг мавжудлиги;

5. Рангдор сопол буюмлари (гул солинган) нинг таркалиши.

Юқоридаги аломатлар Миср, Месопотамия маконларида, кейинрок Европа, Марказий Осиё ёдгорликларида кўзга ташланади. Энеолитда Месопотамияда рангдор сопол буюмларга катакли безаклар, Мисрнинг рангли сопол буюмларига эса сюжетли суратлар чизилган. Осиё ва Европанинг кенг худудларида эса рангдор сопол маконлари таркалган.

Энеолит маконларининг кўпчилигида, яъни дехкончиликнинг ибтидоий усуллари таркалган худудларида рангдор сопол буюмлар таркалган бўлсада, баъзиларида мутлако учрамайди. Масалан, Германия, Франтсия, Европанинг яна бошка мамлакатларида энеолит маконларида рангли сопол буюмлар йўқ. Аксинча, бу ердаги маконларда нақши тасма-тасма килиб ўйилган кулолчилик буюмлари мавжуд бўлган. Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистондаги энеолит маконларида сопол буюмлар сирти кизил ёки қора бўёқлардан ишланган геометрик шакллардан иборат бўлган.

Энеолит маконлари ер юзида дастлаб Иккидарё ва Мисрда вужудга келган. Юқорида кўрсатилган энеолит беш аломати бу мамлакатлардаги ёдгорликларда мавжуд бўлган. Масалан, Иккидарё оралиғининг рангдор сопол буюмларига безаклар чизилган. Мисрнинг рангли сопол буюмларига сюжетли суратлар солинган. Милоддан аввалги IV-III минг йилликда Иккидарё оралиғи ва Мисрда (Энеолит хали давом этаётган даврда) кул-дорлик асосида юксак маданият юзага келган. Аммо бу вақтда Осиё ва Евро-панинг катта худудларида унумдор ҳўжалик шакллари энди ривожлана бошлаган эди.

Энеолит маконлари ер юзининг турли нуқталари - Хитой, Эрон, Марказий Осиё, Украина, Болгария, Греция, Франция, Германия худудларидан топиб ўрганилган. Месопотамияда Хассуан ёдгорлиги, Эронда Сўза комплекси, Украинада Триполе маданияти, Кавказортида Шенгавит, Туркманистонда Анов, Номозгоҳ маконлари энеолит даврига мансубдир.

Энеолит маконларидан топилган курулларнинг энг кўп таркалгани - ретушланган эгри ўроқлар ва силликланган тош мотиғалардир. Эгри ўроқлар барча

мамлакатларда энг кадимги дехкончилик хўжалик машғулооти билан бирга пайдо бўлган. Европа ва Осиё худудларидан топилган маконларда 3 хил дон - буғдой, арпа ва тарик қолдиклари топилган. Бу донларнинг ёввойи хиллари Европада етиштирилган. Улар бу ерларга Марказий Осиё ва Хиндистон худудларидан олиб келинган.

Ер юзининг кўп худудларида энеолит даври ибтидоий дехконларнинг кишлоклари кенг таркалган. Улар хўжалигида дехкончилик ва чорвачилик асосий машғулот бўлиши билан бирга, овчилик ҳам мавжуд бўлган. Овчи қабилаларнинг фаолияти излари уларнинг мазор кўргўнларида сакланиб қолган. Уларнинг энеолит даврига хос бўлган “Кадимий чукур” мазор кўргўнлари деб аталиб, ер юзида улардан кадимийроғи йўқ. Улар милоддан аввалги III минг йилликка оид. Қабр тагидаги оддий гўр чуқурлар бу давр учун ном бўлган. Кадимий чукур мазор-кўргўнларида чакмоқтош ўк учлари, қирғичлари пичоксимон тош қуроллар учрайди.

Эроннинг Кошон шаҳри яқинида кўпқатламли энеолит даврига оид манзилгоҳ харобаси топиб ўрганилган. Бу ердан турар жой қолдиклари, қабрлар, сопол идишлар, мис ва жез (бронза) дан ишланган қуроллар ва бошқалар топилган.

Сиалктепа манзилгоҳи 3 га майдонни ташкил этиб, бир неч боскичдан иборат ва ўзига хос маданиятни ҳосил қилган (Сиалк I). Техрон воҳасида айнан шу маданиятга хос, жуда кўп ва қизиқарли ашёларни ўзида жам қилган Рай шаҳри яқинида Чашма Али манзилгоҳи топиб ўрганилган (Сиалк II). Марказий Эроннинг катта худудида, Кум шаҳридан Сиалк II боскичига хос Калаи Духтар манзилгоҳи топиб ўрганилган. Уларнинг ҳаммасида олиб борилган қазув ишлари жараёнида рангли сопол буюмлари, турли хил мис ва жездан ясалган қуроллар, пахса ва хом ғиштдан қилинган кўп хонали уйлар, тош қуроллари топилган. Уйларнинг асоси хом ғиштдан қилиниб девори пахсадан иборат бўлган, пол қисми ҳам баъзи ҳолларда хом ғиштдан иборат бўлган, деворлари эса лой билан сувалиб қизил ранг билан бўялган.

Сиалк манзилгоҳида бевосита XX асрнинг 60-йилларида қазув ишларини олиб борган Р.Гиршманнинг таъкидига кўра, сопол буюмларини асосан маҳсул

хумдонларда пиширишган. Улар асосан **геометрик шаклдаги накшлар билан безатилган, айрим холларда эса эчки тасвири** кўзга ташланади.

Ҳозирги Хузистон вилоятида, Диза ёки Аби-Диза дарёси ирмоклари бўйида 1,5-2 га майдонга эга кўплаб манзилгохлар жойлашган. Улар Эроннинг Суза маданиятига хос бўлган энеолит даври ёдгорликларидир. Бу протоелам ёки суза комплекси номини олган манзилгохларга Жафаробод, **Жови ва Бендебални киритиш** мумкин.

Жовида олиб борилган казув ишлари жараёнида мис буюмлари топилмаган бўлса-да, кўплаб сопол буюмлари, тош қуроллар, хўкиз, эчки ва қўй, баъзан аёл хайкалчалари топилган. Тош болта ва мотигани битум билан маҳкамланганлигини кўриш мумкин. **Сопол буюмларнинг зооморф ва антроморфлар белгилар учрайди.**

Бендебал комплексидаги сопол буюмларининг катта қисмида хайвонларнинг тасвири туширилган.

2. Месопотамия кулолчилиги.

Хассун маданияти даври. Дастлаб ўрганилган археологик ёдгорлик неолит билан юритиладиган маданият. Бу маданиятни яратган қадимги аҳоли лойдан қурилган уйларда истискомат қилишган. Бу маданиятнинг сўнги босқичларига келиб, тош қуроллар деградация бўлиб, мисдан ишланган буюмлар пайдо бўлиб, сопол идишларга геометрик безак ва ўйма накшлар ёки уларнинг икки тури ишлатилган. Бу маданият эгалари қиш мавсумида деҳқончилик юритиш учун етарли миқдорда ёғингарчилик бўладиган кам сақланадиган тоғ этаги ҳудудларида тарқалишган. Хассуликлар маданияти асосан икки жойда: Хассун ёдгорлиги сақланган Мосул ва Яримтепа I ёдгорлиги жойлашган Синисор ҳудудларида тўпланган. Хассун ўтроқ деҳқончилик ва чорвачиликка асосланган маданият. Деҳқончиликда юмшоқ, қаттиқ буғдой ва арпа экишган. Топиб ўрганилган ҳайвон суяқларининг 5\4 қисмини хонаки ҳайвонларники ташкил этиб, улар қўй, эчки, чўчқа ва қворамолга тегишли. Аҳолиси майдаланган хас-ҳашак қўшилган блоклардан туғри тўртбурчак тарҳидаги уйларда истикомат қилишган. Шунингдек, овал шаклидаги ўрни Хассун I ёдгорлигида аниқланган.

Сопол идишларга майдаланган сомон (Отошител) кўшиб, калин қилиб ишланган.

Аста-секин сополларни пишириш такомиллашган. Яримтепа ёдгорлигидан икки ярусли хумдон топиб ўрганилган. Идишларнинг нақшлари қора ва қизил рангларда бўлган. Хассун маданиятига оид идишлар коса ва кўзалардан ташкил топган.

Самрр маданияти. Бу маданият Хассун маданиятининг сўнгги босқичидан бошлаб ривожланган бўлиб, Ўрта Тигр (Самрр, Соввон ёдгорликлари), ундан шарқда Загрос тоғ олди ҳудудларида (Матарра, Чоги Мами) ва Ефрандан ғарбдаги (Богуз) ҳудудларда тарқалган. Бу даврга оид иморатлар кўп хонали уй-жойлардан ташкил топган. Сопол идишлари геометрик ва зооморор, хусусан бир ёки бир гуруҳ йиртқич ҳайвонлар ва судралувчи жониворлар тасвири билан безатилган. Аёл ҳайкалчалари тош ва террокотадан ясалган.

Саввана II даврига келиб, сопол идишларнинг сиртига геометрик нақшлар бериш анъанаси пайдо бўлади. Учинчи босқичга келиб юпқа сапол идишлар ясала бошланади. Нақшлар жигар ёки тўқ сариқ рангларда берилган. Идишлар сирти нақшлардан ташқари аёл, сувда яшовчи паррандалар, балиқлар, ўрмон оҳулари, эчкилар, “крабқ”, чаёнлар тасвири келтирилган. Самрр маданияти қадимги деҳқончилик аҳолиси амалий санъатининг безак, абстракция ва символизм аломатларини ўзида намоён қилади.

Халаф маданияти (мил. ав. V минг йилликнинг бошларидан охиригача). Бу маданият Месопотамия шимолида Дажла дарёсининг иккала соҳилида Мосул ҳудудида тарқалган бўлиб, шарқий гуруҳини ташкил этади. Бу гуруҳ маданияти Хассун маданиятига оид (Хассунна, Ниневия Яримтепа II) ёдгорликларнинг юқори қатлами ўзида акс этади. Ғарбий гуруҳи Ефрат дарёсининг сўл irmoғи Хабур дарёси оқими ҳудудларида тарқалган. Чогарбозор, Телбрак, Телхалаф ва бошқа ёдгорликларда мазкур гуруҳ моддий маданияти аксини топган. Халафликларнинг уйлари қурилиши илк даври анъанасида барпо қилинган. Уйларнинг деворлари блоклардан барпо қилиниб, айрим ҳолларда уларнинг пойдеворларга тош терилган. Уйларнинг асосий қисмини айлана (Яримтепа II), қолганларини тўғри тўртбурчак шаклдагилари (асосан Арпачия) ташкил этади.

Хўжалик иморатлари ҳам айлана шаклда барпо қилинган. Айрим иморатлар кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришига мўлжалланган. Икки ярусли хумдонлар (Яримтепа II) ҳам аниқланган. Манзилгоҳларнинг ичкарисиди кўпинча ёш болаларга тегишди қабрлар жойлашган. Мурдалар ён томонга ётқизиб, бой кузатув буюмлари билан бирга кўмилган. Шарқий гуруҳдаги ёдгорликлардан кремен ва обсидианлардан ясалган меҳнат қуроллари қисман топиб ўрганилган. Улар ўроқ, болта, тешалардан иборат. Мисдан ишланган теша ва ханжарлар топилган. Шунингдек, мисдан ишланган мунчоқлар ва муҳрлар Яримтепа II ёдгорлигиди топилган. Сапол идишлари қўлда юпқа қилиб ишланган. Нақшлари сарғиш- тўқ сариқ тагга қизғиш – жигар ва жигар рангдиги бўёқлар билан ўсимлик безакларини эслатувчи разеткалар, қисман ҳайвонлар – оҳу, барс, қуш, балиқ, илонларнинг тасвирларидан иборат. Айрим ҳолларда, идишлар антропоморф ёки зооморф шаклида ясадиб, сиртига нақшлар берилган. Халаф маданиятининг сўнгги босқичларига келиб, идишлар нақши асосий ўрин тутмай қўяди. Бу кулолчилик ишлаб чиқаришининг маҳсул хунаромандчилик тури сифатиди пайдо бўлганлигидан далолат беради. Ихтисослашган хунаромандчиликнинг бошқа бир тури тошларга ишлов бериш (сангтарошлик) бўлиб, улардан уй-рўзғор буюмлар, тақинчоқлар, туморлар, муҳрлар тайёрлашган. Шунингдек, буқа, чўчкаларнинг боши ва қуш тасвирларидан иборат тақинчоқлар ясалган. Тераккотик ҳайкалчаларда асосан аёлларнинг ўтирган ҳолатдиги тасвири ташқи безаклари билан биргаликда берилган.

Убейда маданияти (мил. ав. 4500- 3500). Бу маданиятга оид муҳим ёдгорлик саналган Эруда манзилгоҳидан мил ав. 4500 йилларга оид энг қадимги ибодатхонанинг қрни аниқланган. Ибодатхонанинг девор қалин қилиб, ташқи томондан зинасимон плястр билан бойитилган. Ибодатхона атрофида аҳолининг нуфузли қатламларига тегишли ва уларга яқин бўлган жойда хунаромандлар уй-жой иморатлари ва ундан кейин деҳқон жамоаси уй-жой иморатлари жойлашган.

Эруду манзилгоҳидан никропол очиб ўрганилган. Қабрлар хом ғиштлардан айлантириб териб чиқилган. Мурдалар турли кузатув буюмлари: сапол идишлар, тераккотик ҳайкалчалар қайиқнинг лойдан ясалган нусхаси кабилар бин қўшиб

кўмилган. Қайиқ нусхаси месопотамияликлар сув йўллариини ўзлаштирганликларидан далолат беради. Бу даврда кремендан ясалган тош қуроллари ахамиятини бутунлай йўқотади. Металллардан ясалган буюмлар кам топилсада, уларнинг лойдан ишланган нусхаси топилган. Демак, бу даврда металл хом ашёсининг камлиги сабабли яроқсиз ҳолга келган буюмларни қайта ишлатиб янги қуроллар яшашган. Сўнгги Убейда даврида кулолчиликда секин айлантирадиган чархлар пайдо бўлади. Шунингдек, сапол идишларидаги нақшларнинг сифати пасайиб кетади.

3. Эрон кулочилиги.

Эроннинг энеолит даври илк (мил. ав. 5500-3800 йиллар) ва ривожланган (мил. ав. 3800-3000 йиллар) босқичлардан ташкил топган. Энеолит даврига оид маданиятлар дастлабки наъмуналари Эроннинг ғарбидаги тоғолди ҳудудларида субтропик текисликларда қуриқ иқлим шароитида ривожланган. Сиалк тепа ва Чашмаи Али ёдгорликлари аниқланган Энеолит даврига маданияти ва хўжалик хусусиятлари тўғрисида Сиалктепа ёдгорлиги топилмалари муҳим маълумот беради. Ёдгорлик 3 тадан иборат бўлиб учта равожланиш басқичи мавжуд Сиалк I-II (илк энеолит) Сиалк III-II (ривожланган энеолит) Сиалк I басқичида мисдан ишланган буюмлар сони камчилиқни ташкил қилсадакремендан ишланган қуроллар кўпчилиқни ташкил қилади. Геометрик асосан учбурчак шаклидаги нақшлар билан безак берилган сопол идишларга эга. Хом ғиштдан барпо қилинган уйлари ички томонданлойсувоқ сиртига қизил рангдаги бўёқлари берилган. Иккинчи басқичига келиб мисдан ясалган буюмлар кенг тарқала бошлайди. Кремендан фойдаланиш ахамиятини йўқотмайди. Қимматбаҳо тошлардан ясалган зеб зийнат буюмлари наъмуналари ҳам кўпчилиқни ташкил этади. Сопол идишлари геометрик нақшлардан ташқари зооморф тасвирлари ҳам пайдо бўлади. Шунингдек конуссимон тагли идишлар кенг тарқалади.

Сиалк тепа хўжалик фаолияти билан боғлиқ топилмалар аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлиги тўғрисидаги умумий ҳулосага келиш имконини беради, ҳалос.

Марказий Эрон худудида илк энеолит даврига оид Гиян ёдгорлиги яхши ўрганилган. У икки босқичда ривожланган. Моддий топилмалар орасида мис буюмлар ва қўлда нақшлар бериб ишланган сопол идишлари алоҳида ўрин тутди. Нақшлар бир хил рангдаги бўёқларда берилган. Чизилган одам ва учаётган қуш тасвирлари схематик тарзда келтирилган. Кейинги босқичида эчки ва қуш тасвирлари пайдо бўлади. Тиян тўридаги ёдгорликлар Шимолий Ғарбий Загрос худудларида ҳам аниқланиб улардан машхури Кухидайи водийсида жойлашган майдони 13 га дан иборат Чигапахон ёдгорлигидир. Илк энеолит даврининг учинчи гуруҳ жамоаси ҳозирги Хузистон вилояти худудида тарқалган. Бу ердаги ёдгорликлар 1,5-2 га тенг тепаликлар Суза I маданиятининг давомийлигидан иборат Жафаробод Жоби ва Бендебал комплексларида аксини топган.

Жафаробод босқичида қўпол ишланган ва содда нақшли сопол идишлар кремендан яслган пластинка қуроллари кенг тарқалган.

Жоби босқичи моддий топилмалари нисбатан бой тошдан теша, мотича, терракатик учбурчакли, кичик терракотик хайкалчалар хуссусан буқа, қўй ва эчки ва қисман аёл шаклларидан иборат. Бу босқичда сопол идишлари ҳам такомиллашади. Монохром геометрик нақшлар билан биргаликда ҳайвон тасвирлари шунингдек қатор жойлашган эгилар тасвири пайдо бўлади. Қўлида камон ушлаб тик турган одам тасвири алоҳида аҳамият касб этади.

Бендебал босқичи яхши ўрганилмаган сопол идишлари Жоби босқичиникига ўхшаш.

Жанубий Загрос худуди қўлда қўпол ишланиб яхши пиширилмаган сопол идишлари ва кремен ва суякдан ясалган кунсонли қуроллари (Бокун VI) содда геометрик нақшлардан (Бакун VII) ташкил топган. Персепол яқинидаги Талибакун ёдгорлиги ўрганилган. Юқорида келтирилган Чили, Суза ва Толибакун комплекслари хусусиятларига кўра ўзаро боғлиқ бўлиб ягона локал маданият бирлигини ташкил этади ва уларнинг келиб чиқиш илдизи бир жойга бориб тақалади. Ривожланган энеолит Сиалк III даврига келиб энеолит даври қабилалари Эроннинг кенгроқ худудларини эгаллайди. Ўтроқ деҳқончилик аҳоли орасида ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

содир бўлади. Сиалк Чашмалани ва бошқа ёдгорликларда ҳаёт давом этиши билан Тепаи Хиссор кабиянги манзилгоҳлар қарор топади. Ёдгорликларда амалга оширилган. Қазилмалар бу даврнинг маҳаллий маданияти эски анъаналар асосида ривожланади. Манзилгоҳлар ҳам майдон барпо этилган кўпхонали уйлардан ташкил топган кулолчилик ишлаб чиқаришда тараққий ўзгаришлари содир бўлади. Сопол идишлар махсус кулолчилик хумдонларда пиширилади. Овпл шаклидаги хумдон Сиалк III дан топиб ўрганилган. Бу даврда кулолчилик чархда ишланган сопол идишлар учрайди. Тоғли шарсимон идишлар, вазалар ва бақаллар кенг тарқалади. Идишларнинг сиртидаги геометрик нақшлар ўрнида зооморор эчки, қушлар, илон, от, буқа, барс ва одам тасвирлар эгиллайди. агар илк энеолит даврида метал буюмларнинг тарқалиши камсонли ва тор доирада кечган бўлса ривожланган босқичга келиб уларнинг сони ва тури кескин кўпаяди. Метал буюмларни болғалаш усулида тайёрлашдан ташқари қуйиш усули ҳам жорий қилинади. Металдан меҳнат қуроллари ва зеб зийнат буюмлари тайёрланган. Бу даврда уй хунармандчилиги ихтисослашган хунармандчиликка ўсиб чиқади. Содда геометрик тасвирга эга бўлган тугмасимон мухирлар пайдо бўлади.

Марказий Эронда мазкур жараёнлар кечади. Хисор тепа ёдгорлигида амалга оширилган қазилмалар натижасида дастлаб қўлда ишланган (Хисор I А) кейинчалик чархда ишланиб зооморор шакллар берилган сопол идишлар қиёсан кўпсойли мис бромлар топиб ўрганилган.

Хулоса.

Энеолит даврида деворий нақшлар пайдо бўлади. Ясситена ибодатхонасининг нақшлари геометрик шаклда бўлиб, уларга қора ва қизил бўёқлар берилган. Нақшларнинг мотиви анча содда ва нақшли сопол идишларникига ўхшайди: тўр шаклидаги квадрат ва учбурчаклардан иборат. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, энеолит даврида бир неча минг йиллардан сўнг Ўрта Осиё меъморчилигида муҳим ўрин тутган геометрик шакллар билан безаш усули вужудга келади.

Энеолит даври кулолчилик соҳасида сезиларли ютуқларга эришилади. Маълум иссиқликни сақлайдиган хумдонлар пайдо бўлади, хом ашё сифати ошади, кулолчилик буюмларининг кўплигида бир рангли ва кўп рангли безаклар билан безатила бошлайди. Асосан косалар ва хумчалар нақшлар билан безатилади. Асосан икки хил бўёқлар: қизил ва қора-жигар ранглари ишлатилади. Дастлаб идишларнинг юқори қисми учбурчак ва параллел чизиқлар билан нақшланган. Аста-секин идишлар ўзгача кўркка эга бўлиб, безаклари кўпайиб боради. Идиш атрофидаги айлана чизиқлар, учбурчак шаклларнинг ораси гоҳ чизиқ, гоҳ квадрат шаклидаги хоч, гоҳ тўлқинсимон чизиқлар билан тўлдирилган. Кенг тарқалган мотивларидан бири хоч шакли бўлиб, кўп сонли шаклларни вужудга келтиради. Маълум услубга солинган ва аниқ геометрик шаклга келтирилган ҳайвон ва қуш тасвирлари пайдо бўлади. Улар эчкилар, мушук зотига ўхшаш олачипор ҳайвон (қоплон бўлиши мумкин), йирик қанотли бургут ва кичик қушлардан иборат. Одамлар тасвирлари камчилиқни ташиқ қилади. Масалан, сопол идиш бўлакчаларидан бирида қарама-қарши ҳолатда турган кишилар тасвирланиб, улар Ўртасида Жанубий Туркманистоннинг энеолит даври манзилгоҳларида учрайдиган аёл ҳайкалчасига ўхшаш аёл маъбудаси тасвирланган. Кўринишдан рассом аёл маъбудасига сизини ҳаракатини тасвирлаган. Кишиларнинг образи ва ҳайвонлар тасвири баъзан рамзий белги билан уйғунлашган. Агар илгари ҳайвонлар тасвири тотемизм билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик Қадимги деҳқончилик аҳолиси афсонавий тафаккурдан чиқиб, улар мазмунан бошқа бир маъноли тасвирларни акс эттира топа боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Авдусин Д.А. Основы археологии. – М., 1989.
2. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1961.
3. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.-Л., Наука, 1964
4. Сарианиди В.И. Древности страны Маргуша. – Ашхабад, 1990.
5. Энеолит СССР. Энеолит Средней Азии. – М., 1982